

«Работи поён таъминот» МЧЖ, кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари Ш.Бафоев номидан, бир томондан Бухоро «Мурувват» ногиронлиги булган шахслар учун аёллар интернат уйи, кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи директори Б.Тешаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1.Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Повидло	Кг	150	15000	2250000
2	Перловка	кг	200	7000	1400000
3	Горох ёрмаси	кг	200	7000	1400000
4	печенье	кг	800	15000	12000000
	Жами:				17050000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31 январгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий 17050000 (Ун етти миллион эллик минг) сўми ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 5115000 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 11935000 сўми, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил «31» январгача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларида, қоида кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши кер
 - 3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлиси алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
 - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот) бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.